



O'ZBEKISTON O'VOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

● 2016-yil, 4-avgust. Payshanba ● 90 (32.149)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz

Япония делегациясининг ташрифи

Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида кўп қиррали ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бормоқда.

Икки мамлакатнинг маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида 2016 йил 3 август кунин Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг рафиқаси Акиэ Абэ ҳамда япон маданият ва санъат намоёндаларидан иборат делегация мамлакатимизга ташриф буюрди.

Тошкент халқаро аэропортида Япония Бош вазирининг рафиқаси Акиэ Абэни Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Татьяна Каримова кутиб олди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар Президентимизнинг 2002 йил июль ойида Японияга расмий ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида барқарор ривожланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил февраль ойида Японияга ҳамда Япония Бош вазирининг 2015 йил октябрда Ўзбекистонга расмий ташрифлари ўзаро муносабатларни янги bosқичга кўтарди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда маданий-гуманитар алоқалар муҳим аҳамият касб этмоқда. «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури доирасида ҳамда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) орқали ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Японияда Ўзбекистон маданияти ва кинеси кунлари ташкил этилмоқда. Кунчиқар юрт ижодкорлари мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро анжуманлар, хусусан, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашиб келмоқда.

Токиода буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилгани, Тошкентда Япон боғи ташкил этилгани, Ўзбекистон Бадий академияси ҳузуридаги халқаро маданият карвонсаройига япониялик олим ва мусаввир Икуо Хираяма номи берилгани халқларимизнинг маданий яқинлиги ифодасидир.

Делегациянинг ташрифи давомида Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозиси билан юртимизга келиб қолган япон аскарлари дафн этилган хотира мажмуасини зиёрат қилиш, Ўзбекистон Амалий санъат музейи билан танишиш, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Япониянинг «Драм Тао» ижодий жамоасининг концерт дастури намойиш этилиши белгиланган.

Ў.А.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

«Тарғиботчи — маҳаллада»

лойиҳаси давом этмоқда

ЎзХДП Қашқадарё вилоят ва Қарши шаҳар кенгашлари «Ўзбекино» Миллий агентлиги вилоят ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда ушбу лойиҳа доирасида навбатдаги тadbирни ўтказди.

«Отчопар» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган давра суҳбатида партия фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари ва ёшлар иштирок этди. Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳани ривожлантириш йўлида амалга оширилётган ислохотлар ҳақида фикр алмашилди.

Катнашчиларга мамлакатимиздаги бунёдкорлик жараёнларидан ҳикоя қилувчи видеофильм намойиш этилди.

Шу кун партия фаоллари халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Жамила Тўрақуллова ҳамроҳлигида ижтимоий муҳофазага эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олишди.

Музаффар ТУРОПОВ

КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК?



ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга хизмат қилмоқда

Тарихдан маълумки, мустақилликка эришган ҳар қандай давлат ўзининг парламентини шакллантиришга, шу орқали фуқароларнинг устувор ҳуқуқларини таъминлашга, халқнинг сиёсий иродасини рўйбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратган. Бу демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим асосларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун мамлакат мустақиллигини, халқ ҳокимиятини парламентсиз тасаввур қилиш қийин.

Дунёнинг ривожланган демократик мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам қонун чиқарувчи ҳокимият давлатнинг олий вакиллик органи — парламент томонидан амалга оширилади. Шу боис унинг фаолиятини такомиллаштириш, олий вакиллик, қонун чиқарувчи ва назорат органи сифатидаги мақомини кучайтиришга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Айтиш мумкинки, истиқлолнинг дастлабки йилларида Олий Кенгаш томонидан илғор демократик тажрибалар ўрганилиб, миллий парламентимизнинг илк ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши қонун чиқарувчи олий вакиллик органи сифатида давлат мустақиллигини эълон қилиш ва мустаҳкамлаш жараёнида алоҳида ўрин тутди.

2

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Одам савдоси — давр муаммоси



Фототўрғу АЛИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Ўрта Чирчиқ туманидаги саноат касб-хунар коллежида одам савдосига қарши курашиш ишлари самардорлигини ошириш мақсадида семинар ўтказди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Тошкент вилоят ИИБ масъул ходимлари, халқ депутатлари вилоят, туман Кенгаши депутатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Семинарда одам савдоси жиноятини содир этганлик учун жавобгарлик, бундай турдаги жиноятларга имконият яратувчи шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш борасидаги ишларни такомиллаштириш масалалари хусусида сўз юритилди.

Бундай мудҳиш жиноятлар келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири осон даромад топиш илнжидати ноқонуний хатти-ҳаракатлар-

дир, — дейди ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Меҳрож Дарҳонов. — Қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олишда ҳудудий комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг нодавлат ташкилотлар, айниқса, маҳаллалар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Тadbирда мавзуга оид видеоролик намойиш этилди. Мунозаралар жараёнида халқимиз табиатига мутлақо ёт бўлган ҳолатларга йўл қўймаслик учун ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, уларга одам савдоси нафақат жиноят, балки инсонийлик қиёфасини йўқотган маҳдудлар қирдкори эканлигини кенгроқ тушунириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Бугунги семинар жиноятчиларнинг ширин сўзига учиб, алданиб қолаётган ёшларга сабоқ бўлиши керак, — дейди Юқори Чирчиқ ахборот-сервис касб-хунар коллежи ўқувчиси Гулҳеҳра Тоҳирова. — Бундай ўқув-семинарларнинг ташкил этилиши биз, ёшларни огоҳликка қорлайди.

Тadbирда одам савдосига қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида аҳолини кенг хабардор қилиш, шунингдек, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари тарғиботини кучайтириш масалалари бўйича ҳам фикр алмашилди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон байроғи кўтарилди



XXXI ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрига етиб борган Ўзбекистон спорт делегацияси шарафига Олимпия шаҳарчасида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграб, давлат байроғи кўтарилди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, шу муносабат билан ўтказилган тadbирда Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари, Олимпия ўйинлари ташкилий қўмитаси ҳамда Рио-де-Жанейро шаҳри маъмурияти вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган.



Байрамона руҳда ташкил этилган маросимда Олимпия шаҳарчаси мэри, баскетбол бўйича Бразилия терма жамоаси таркибида жаҳон чемпиони бўлган Жанет дус Сантш Аркаин Ўзбекистон спорт делегациясини XXXI ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этаётгани билан табриклаб, спортчиларимизга бўлажак мусобақаларда омад тилади.

Давлатимиз байроғининг кўтарилишига бағишланган тadbир ёрқин воқеа бўлди, — дейди таэквондо (WTF) бўйича жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин. — XXXI ёзги Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этиб, халқимиз, Президентимиз ишончини оқлаш учун бор кучимиз, имкониятимизни ишга соламиз.

Бугунги тadbир қалбимизда озод ва обод Ватанимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни, фахр ва ифтихор туйғуларини янада жўш урдирди. Биз тўрт йилликнинг энг йирик спорт байрамида Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини намойён этишга астойдил бел болаганмиз, — дейди юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионати совриндори Элмурод Тасмуродов. — Ниятимиз XXXI ёзги Олимпия ўйинларида юртимиз шарафини янада улуглаб, энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамини муносиб совға билан кўтиб олишидир.

XXXI ёзги Олимпия ўйинларида спортчиларимиз академик эшакка эшиш, бадий гимнастика, байдарка ва каноэда эшакка эшиш, бокс, дзюдо, снугл ва оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол теннис, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, трамполин, ўқ отиш, эркин ва юнон-рум кураши каби спорт турлари бўйича ўтказилаётган беллашувларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Байрам АЙТМУРОДОВ, Ў.А. мухбири.

ЎзХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

ОЛТИАРИҚ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ЁШ ОИЛАЛАРНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИБ, ДОИМИЙ КОМИССИЯ МУҲОКАМАСИГА КИРИТДИ.

2015-2019 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АМАЛИЙ ХАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИДА АНДИЖОН, СУРХОНДАРЁ, ФАРҒОНА ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ ФАОЛЛИК КЎРСАТИБ КЕЛМОҚДА.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ 35 МАСАЛА СЕССИЯЛАРГА ОЛИБ ЧИҚИЛДИ.

ТИНЧЛИК ВА
ХАВФСИЗЛИКМАТБУОТ
АНЖУМАНИ


Хар бир одам ўзи яшай-
ган маҳалла, туман, бир
сўз билан айтганда, юрти-
мизда бўлаётган ўзгариш-
лар, янгилıklarлардан вақти-
да хабардор бўлишга ин-
тилади. Бу ҳуқуқ қонун
билан кафолатланган.

ҲОКИМ
БИЛАН
МУЛОҚОТ

«Давлат ҳокимияти ва бошқа-
руви органлари фаолиятининг
очиқлиги тўғрисида»ги қонун иж-
роси юзасидан ўтказилган матбуот
анжуманида Тошкент шаҳар Мир-
зо Улугбек туман ҳокими Шоман-
сур Аҳмедов журналистлар билан
мулоқотда бўлди.

У даставвал қилинган ишлар
ҳақида ахборот берди. Жумладан,
туманда амалга оширилган бунёд-
корлик ишлари, ижтимоий-иқтисо-
дий соҳадаги ислохотлар самара-
си, кичик бизнес ва хусусий тад-
биркорлик ривож, коммунал хиз-
мат кўрсатиш тизимидаги ўзгариш-
лар, янги иш ўринлари яратиш, куз-
қиш мавсумига тайёргарлик, касб-
хунар коллежлари битирувчилари-
нинг бандлигини таъминлаш маса-
лалари ҳусусида атрофлича маъ-
лумот тақдим этилди.

— Туманимиздаги 54 маҳалла
ва 1361 кўп қаватли уйга 361 ху-
сусий уй-жой мулкдорлари шир-
кати ва 20 та бошқарув компания-
си хизмат кўрсатмоқда. Улар ишни
пухта ташкил этганликлари нати-
жасида фуқароларнинг коммунал
хизмат бўйича мурожаатлари кес-
кин камайди, — деди ҳоким.



— Шунингдек, аҳолига савдо ва
маиший хизмат кўрсатиш сифати
ошди. Бугунги кунда туман ҳуду-
дида 5343 кичик бизнес субъекти
фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар-
нинг 370 таси хорижий сармоя иш-
тирокидаги корхоналардир. Йирик
корхоналар сони 12 та бўлиб, улар
жорий йилнинг олти ойида 1 трил-
лион 91,3 миллиард сўмлик сано-
ат ва 304,4 миллиард сўмлик ис-
теъмол маҳсулотлари ишлаб чи-
қарди. Саноат корхоналарини кен-
гайтириш, туман экспорт салохи-
ятини ошириш доирасида кенг
қўламли ишлар бажарилди.

Куз-қиш мавсумига тайёргар-
лик долзарб масалалар. Туман
ҳокимлиги мазкур йўналиш бўйи-
ча махсус дастур ишлаб чиққан.
Унга кўра, 19 йўналиш бўйича иш-
лари бажариш учун тижорат банк-
лари томонидан 9,67 миллиард
сўм кредит маблағи ажратилган.

Ҳоким, шунингдек, журналист-
ларга Мустақиллигимизнинг 25 йил-
лик байрамига туманда қизгин тай-
ёргарлик кўриляётгани, умумтаълим
мактаблари, академик лицей ва
касб-хунар коллежларида мукам-
мал таъмирлаш ишлари бажарилаёт-
гани, аҳоли бандлигини таъминлаш
чоралари кўриляётгани ҳақида ҳам
маълумотлар бериб ўтди.

Матбуот анжуманида ҳоким фу-
қаролар мурожаатлари, тумани иж-
тимоий-иқтисодий ривожлантириш
масалалари бўйича журналистлар-
ни қизиқтирган саволларга атроф-
лича жавоб берди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУГУНГИ ОСОЙИШТАЛИК ОЙДАН ТУШМАГАН

Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш осон кечмагани, ҳозир баъзиларга табиий ҳолат бўлиб кўринадиган тинчлик-
барқарорликни таъминлаш ўз-ўзидан бўлмагани, энг муҳими, одамлар хотиржам ҳаёт кечириши учун зўравону
каззобларга қарши қатъий кураш олиб борилгани ҳусусида



«Ўзбекистонда социалистик
қонунчиликни тиклаш» шиори
остида республика ҳуқуқ-тар-
тибот идораларига собиқ мар-
каз томонидан юборилган
кадрлар ҳам қонунбузарликлар
авж олишига маълум даража-
да сабабчи бўлишди. Чунки
улар маҳаллий шароитни яхши
билмасди, халқимиз ментали-
тетидан беҳабар эди. Энг аф-
сусланарли томони — ўзимиз-
нинг тажрибали кадрларимиз
йўқ қилиниб, улар ўрнига эгал-
лаб турган лавозимига ному-
носиб кадрлар келган эди.

Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Фахрийлар кенгаши ра-
иси, истефодаги генерал-майор
Ғафур Раҳимовнинг хотирла-
шича, ўшанда вазирлик тар-
кибидаги 27 бошқарма ва
бўлимдан 25 тасини четдан
келганлар бошқарган. Шови-
нистик кайфиятдаги бу киши-
лар ўзлари каби прокуратура
ва суд тизимидаги туширилган
«десантчилар» билан тил би-
риктириб иш юритишарди.

Ушай пайтда «қонун посбон-
лари» ўзининг бевосита иши-
ни бир ёққа қўйиб, турли кир-
дикорлар билан шуғулланган
ни сабабли Ўзбекистонда жи-
ноятчилик янада кўпайиб кет-
ганди. Масалан, 1984 йилда
хаммаси бўлиб 60162 жиноят
содир этилган бўлса, 1990
йилда бу рақам 88155 тани
ташкил қилган.

«Жиноятчилик таҳликали
тарзда ўсиб бораётганди. 1985
йилга нисбатан жиноят-
чилик қарийб 20 фоиз, оғир
жиноятлар эса бундан ҳам
кўпроқ ўсганди».

Мустақиллик арафасида
бутун бошли республикамиз-
га жиноятчилик соя ташлаб
турарди. Кўчаларда кўрқув

ҳукмронлик қиларди. Нафақат
кечаси, балки кундузи ҳам
одамлар тунаб кетишарди. Ав-
томашиналар ўғирланарди.

Жиноятчи тўдалар одамларни
тўтиб келиб, «суд» қилишар-
ди. Жиноятчилар жазоланмас,
зўравонлиқнинг чеки йўқ эди.

Ушай пайтларда республика-
даги уюшган жиноятчилик ҳам
айнан Марказдаги жиноят ола-
ми бошлиқлари томонидан ту-
риб бошқарила эди. 1989 йил-
да фақатгина Москва шаҳрида
жаноятчи гуруҳлар ўртасида 13
марта отишма бўлган эди. Бун-
дай ҳолатлар бошқа ҳудудлар-
да ҳам рўй бераётганди. Бош-
қача айтганда, уюшган жино-
ятчилик таъсир доираси Ўзе-
бекистонни ҳам қамраб олганди.

Бунинг устига, халқ ички
ишлар ходимларига ишонч-
сизлик билан қарар, иложи
борича улардан узоқроқ
юрисга ҳаракат қиларди.
Ҳуқуқ-тартибот идоралари хо-
димлари ҳам фуқароларга
нисбатан қўпол муносабатда
бўлиб, сансалорлик, ариза ва
шикоятларга лоқайдлик холла-
ри тез-тез кузатиладди...

Демократик ислохотларни
амалга ошириш учун жамяти-
нинг, давлатнинг ҳавфсизли-
ги ҳаётий заруриятдир. Инсон
самарали ишлаши, орзу-ният-
ларига етиши учун, энг авва-
ло, хотиржам яшashi керак.
Ана шундай мураккаб вазия-
тда Юртбошимиз қатъийлик
билан мамлакатда тартиб
ўрнатишга қаратилган муҳим
қарорлар қабул қилди. Ўзе-
бекистоннинг аввалги раҳбарчи-
ри айби билан 80-йиллар охи-
рида кучсизланиб қолган
ҳокимиятни пастдан юқоригача
мустақамлаш мақсадида қатъ-
ий чоралар кўрди. Жиноятчилик,

учун малакали кадрлар тайёр-
лашга алоҳида эътибор қара-
тилди. Жумладан, Президен-
тимизнинг «Ўзбекистон Рес-
публикаси Ички ишлар орган-
лари фаолиятини такомил-
лаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги 2001 йил 27
мартдаги фармони ва унинг
асосида Вазирлар Маҳкама-
си томонидан қабул қилинган
қатор қарорларга кўра, юқори
малакали кадрлар тайёрлаш
ва қайта тайёрлаш тизими
яратилди.

Энг муҳими, бу борадаги
ислохотлар изчиллик билан
давом эттирилди. «Ҳуқуқбу-
зарликлар профилактикаси
тўғрисида», «Тезкор-қидирув
фаолияти тўғрисида»ги ва
бошқа қонунларнинг қабул
қилиниши мамлакатимизда
фуқаролар ҳавфсизлигини
таъминлашга, ҳуқуқ-тартибот-
ни мустақамлаш, суд-ҳуқуқ
ислохотларини сифат жиҳат-
дан янги босқичга кўтаришга
хизмат қилдики, натижада
Ўзбекистон ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси соҳасида
миллий тизимга эга бўлди.

Масалан, АҚШда фаолият
кўрсатаётган, катта обрўга эга
бўлган «Гэллуп институти»
деб ном олган ижтимоий
фикрни ўрганиш маркази то-
монидан «Қонуний тартибга
итоат қилиш индекси» деган
мавзуда ўтказилган тадқиқот
натижаларига кўра, Ўзебеки-
стон 141 давлат орасида 2-
ўринни эгаллагани мамлака-
тимиз жамоат тартибини сақ-
лаш ва фуқаролар ҳавфсиз-
лигини таъминлашда катта
ютуқларга эришганининг
амалдаги тасдиғидир.

Агар бугун собиқ иттифок
ҳудудидаги қатор мамлакат-
ларда уюшган жиноятчиликка
қарши ҳамон курашляётгани,
жаноят олами илдинини қури-
тиш осон кечмаётганлигини
ҳисобга олиб фикрласак, юр-
тимиздаги тинчлик-осойишта-
лик қадри янада баландлиги-
ни англаймиз.

Лекин бундай натижаларга
эришиш осон кечгани йўқ.
Юртимиздаги бугунги осойиш-
талиқ ойдан тушмади. Бунга
Юртбошимизнинг узоқни
қўлаб олиб борган одил сиё-
сати, азму шижоати ва қатъ-
ий туфайли эришилди.

Шариф КОБИЛОВ,
полковник, ИИВ
Академияси Ижтимоий-
гуманитар фанлар
кафедралари илмий-методик
кенгаши раиси.

КУЧЛИ
ДАВЛАТДАН —
КУЧЛИ
ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИ САРИ

Бухорода «Энг на-
мунали фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш
органлари» республи-
ка кўрик-танловининг
вилоят босқичи бўлиб
ўтди. Унда 13 маҳал-
ла жамоаси ўзаро
баҳслашди.

АМАЛИЁТ
ВА
ТАЖРИБА
ЭЪТИРОФИ

«Ўзал ва бетакорим-
сан, муқаддас Ватаним,
жоним сенга фидо, Ўзе-
бекистоним!» шиори остида
ташкил этилган тадбирда
Президентимиз раҳнамоли-
гида демократик ислохот-
ларни чуқурлаштириш ва
фуқаролик жамятини ри-
вожлантириш борасидаги
ислохотлар жараёнида фу-
қароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари фао-
лиятини янада такомил-
лаштириш, уларнинг ҳуқуқ
ва ваколатлари доирасини
кенгайтиришга алоҳида
эътибор қаратиляётгани
таъкидланди.

Иштирокчилар маҳалла-
лар фаолиятига оид иш таж-
рибасини слайдлар орқали
намоиш этди. Маҳалла ра-
иси ва мутахассисларнинг
билим савияси, дунёқарши,
соҳага оид қонунчилик ҳуж-
жатларини қай даражада
билиши, қундалиқ ҳаётда,



иш фаолиятида учраб тура-
диган муаммолар вазиятлар-
га нечоғли ечим топа оли-
ши савол-жавоблар орқали
баҳоланди.

Ғиждувон туманидаги
«Хатча» маҳалла фуқаролар
йўғини қолиб деб топилди
ва танловнинг мамлакат
босқичига йўлланма олди.

— Худудимизда қарийб
2 минг 850 нафар аҳоли
истиқомат қилади, — дей-
ди йўғин раиси Хусан
Ҳосилов. — Ойларда
юзага келадиган муаммо-
ларни жамоатчилик, асосий
фаолият йўналишлари
бўйича комиссиялар ва те-
гишли давлат ташкилотла-
ри билан ҳамкорликда ҳал
этамиз. Шунинг учун ҳудуд-
да ижтимоий-маънавий му-
ҳит барқарор, оилавий аж-
римларнинг олди олинмоқ-
да. «Оила — маҳалла —
таълим муассасаси» ҳам-
корлиги яхши йўлга қўйил-
гани боис ёшлар таълим-
тарбиясидаги камчиликлар
ўз вақтида бартараф эти-
ляпти.

Тадбир доирасида таш-
кил этилган фотоқўрғазма-
лар, плакат ва стендлар,
хунармандлик буюмлари,
миллий либослар намоиш-
и фуқароларнинг ўзини
ўзи бошқариш органлари-
нинг ҳудудларда тадбир-
корликни қўллаб-қувват-
лаш, аҳоли бандлигини
таъминлашга қўмаклашиш
борасидаги фаолияти бил-
ан танишиш имконини
берди.

Тадбирда Бухоро вило-
яти ҳокими М.Эсонов сўзга
чикди.

Э.ЭДГОРОВ,
ЎЗА мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Экспорт учун кенг йўл

«Ўзбекистонда ишлаб чиқариш-
ган» ёрлиги туширилган озиқ-овқат,
кийим-кечак, қурилиш материалла-
ри, юқори технологик асбоб-уску-
налар, техника ва қўллаб бошқа
маҳсулотлар жаҳон бозорларидан
тобора кенг ўрин олмақда. Бунда
Кичик бизнес ва хусусий тадбир-
корлик субъектлари экспортини
қўллаб-қувватлаш жамгармасининг
ўзига хос ўрни бор, албатта. Чу-
нончи, жамгарма томонидан жо-
рий йилнинг биринчи ярмида 1646
тадбиркорлик субъектига махсу-
лотлар ва хизматларини ташки бо-
зорларга олиб чиқишда ҳуқуқий,
молиявий ва ташкилий хизматлар
кўрсатилган. Натижада жами 1,32
миллиард долларлик экспорт шар-
тономалари тузилди, шундан 643
миллион доллар миқдордаги мах-
сулотларнинг дастлабки туркуми

хорижлик буюртмачиларга жўна-
тилган.

Жамгарманинг Қорақалпоғистон
Республикаси филиали ҳам соҳа ва-
килларининг яқин ҳамкори ва қўмақчи-
сига айланган. Хусусан, жорий йил-
нинг биринчи ярмида филиал томонидан
75 та хусусий сектор тузилмасига
ҳуқуқий-молиявий ва ташкилий жиҳат-
дан ёрдам кўрсатилган. Натижада улар-
нинг 2,7 миллион долларлик маҳсулот-
лари ва хизматлари экспорт қилинган.
Соҳа вакиллари ташки бозорни ўрганиш,
хорижий ҳамкорлар топиш, халқаро
кўргазма ва ярмаркаларда қатнашиш
ҳамда экспорт шартномаларини тузиш
юзасидан ҳам филиал кўмағидан са-
марали фойдаланган. Жамгарма кўма-
ғида 2 та янги корхона «Nukus Agro
impek» ва «Баракат Тўртқўш» масъули-
яти чекланган жамиятлари экспорт фа-
олиятига жалб қилинди. Шунингдек,



Хизматлар лицензияланган.

иккита ишлаб чиқариш корхонаси —
«Войул ройабзали» ва «Сифатли ғишт»
масъулияти чекланган жамиятларида ас-
со-сан сифат бошқаруви тизимлари жо-
рий этилди.

Жорий йил якунига қадар хори-
жий мамлакатларда ўтадиган 5 та
халқаро кўргазмада маҳаллий ишлаб
чиқарувчилардан 10 нафарининг иш-
тирокини таъминлаш белгиланган.
Шунингдек, «Ўзгазоэкспорт» билан
ҳамкорликда тадбиркорлик субъект-

от размещения акций.

По всем вопросам возвра-
та денежных средств вы мо-
жете ознакомиться на нашем
сайте (www.kuylyuk-bozori.uz)
или по телефону:
295-94-36, 295-93-66.
E-mail: oleg.kim.1963@list.ru

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Агробанк» АТБ жамоаси
банк ходими Умида Одилова-
га падали бузуқворни
Оқил ОДИЛОВнинг
вафоти муносабати билан
чуқур таъзия изхор этади.

СПОРТ

■ Рио-де-Жанейро олимпиадасида дунёнинг 207 давлатидан 10500 дан зиёд спортчи ўз маҳоратини намойиш этади.



Ўқидингизми,
эшитдингизми?

Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида Косово ва Жанубий Судан давлатлари вакиллари илк бор қатнашади.

Олимпиаданинг асосий тўқсонлари сифатида Винисиус ва Том танланган. Булар Бразилия флора ва фаунасининг рамзлари ҳисобланади.

Бу галги ёзги Олимпиада ўйинлари дастури яна икки спорт тури — гольф ва регби-7 ҳисоби-га кенгайган.

XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида

мамлакатимиз шарафини етмиш спортчи, жумладан, 23 нафар хотин-қиз ҳимоя қилади

Эртага Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари бошланади.

Ер қурагининг ҳар тўрт йилликдаги энг нуфузли спорт байрамида иштирокчи давлатлар сони рекорд кўрсаткичга етиши кутилмоқда. 5-21 август кунлари ўтказиладиган баҳсларда дунёнинг 207 давлатидан 10500 дан зиёд спортчи ўз маҳоратини намойиш этади.

Мусобақалар дастуридан спортнинг 33 тури жой олган бўлиб, жами 306 комплект медаллар ўйналади.

Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз вакиллари академик эшакка эшиш, бадий гимнастика, байдарка ва каноэда эшакка эшиш, бокс, дзюдо, энгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, триатлон, ўқ отиш, эркин ва юнён-рум кураши каби спорт турлари бўйича қатнашади. Ушбу мусобақаларда Олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари бўлган тажрибали спортчиларимиз қаторида кўплаб ёш истеъодлар борлиги мамлакатимиз спорт салоҳияти юксалиб бораётганидан далolat беради.

Шуни ҳам алоҳида айтиш керакки, бокс бўйича аёллар

ўртасидаги «жанг»ларда илк бор вакилимиз қатнашади. Ёдгорой Мирзаева (51 кг) юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, рингга чиқади. Шунингдек, мусобақа дастуридан жой олган эркеклар ўртасидаги стол тенниси баҳсларида ҳамюртимиз биринчи бор ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этади. Бундай шарафга Зоҳид Кенжаев муяссар бўлиб турибди.

Бадий гимнастика бўйича Луиза Ганиева, Валерия Давидова, Анастасия Сердюкова, Самира Амирова, Марта Растобурова, Зарина Қурбонова-лардан иборат мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари илк бор олимпиаданинг жамоавий мусобақаларида ўз маҳоратларини намойиш этишади.



Яна бир аҳамиятли жиҳат, моҳир гимнастикачимиз, Барселона олимпиадаси чемпиони ва Пекин олимпиадаси кумуш медали совриндори

Оксана Чусовитина учун бугунги олимпиада саналади. Ҳали бирорта ҳам спортчи ушбу спорт тури бўйича бундай натижага эришмаган.

XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари чемпиони ва совриндорлари муносиб тақдирланади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 июлдаги қарори-га мувофиқ, мамлакатимиз спортчилари Рио-де-Жанейро олимпиадасида эришадиган ғалабалари учун муносиб тақдирланади:

Олтин медаль соҳиби — 200000 АҚШ доллари
Кумуш медаль соҳиби — 100000 АҚШ доллари
Бронза медаль соҳиби — 75000 АҚШ доллари.



Олимпиада ўйинлари қатнашчилари ва меҳмонлари учун 140 минг нафардан зиёд киши хизматда бўлса, шундан 50 мингдан зиёди кўнглик волонтерлар саналади.

Рио-де-Жанейро шаҳри бугунгача тўрт (1936, 1940, 2004 ва 2012 йил) мартаба ёзги Олимпиада ўйинлари мезбонлигига даъвогарлик қилган. Бешинчи уринишда бразилияликлар-га бу бахт насиб этган.

XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган футбол баҳсларидан ташқари барча спорт мусобақалари Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтади. Футбол ўйинлари Бразилия, Сальвадор, Сан-Паулу ва Бету-Оризонти сингари шаҳарларда ўтказилади.

Рио-де-Жанейро олимпиадасининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари дунёга машҳур «Маракана» стадионида бўлиб ўтади.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

«Умид гулшани»да орзулар ушалмоқда



Қиридаги «Умид гулшани» санаторийсига киришингиз билан ҳаво ўзгарганини сезасиз. Тўйиб-тўйиб нафас оласиз. Чунки бу ерда қишин-ёзин ям-яшил бўлиб турадиган игна баргли дарахтлардан тортиб турфа гуллар барқ уриб яшнаб турибди. Санаторий эса замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган, даволанаётганлар учун қулай шароит яратилган.

Санаторийимиз 120 ўринга мўлжалланган, йилга уч минг нафарга яқин киши даволаниб, ўз соғлигини тиклаётти, — дейди **муассаса директори Дилором Мамамадалиева**. — Илгари бу ерда фақат у ёки бу сабаб билан фарзанд кўрмаган аёллар даволанишарди. Ҳозир эса давр талабидан келиб чиққан ҳолда, фарзанд кўриш умидида келадиган эр-хотинлардан ташқари терапия, кардиология, неврология, лор, эндокрин касалликлар ҳам даволанмоқда.

Муассасада фақат доридармон билан эмас, физиотерапия, парафин-азокерит, балчиқли, йодобромли, марваридли, арома ванналар, гидромассаж, кислородли кўпик, доривор ўсимликлар дамламалари ҳамда махсус гимнастика машқлари асосида даволашга алоҳида аҳамият берилди.

Муассасада 2012 йилдан фаолият кўрсатаётган олий

дейди **бўлим бошлиғи, олий тоифали уролог Шокиржон Ашуров**. — Шунинг учун муассасага даволаниш учун келганларни қайта кўриқдан ўтказиб, кейин даволашни бошлаймиз. Бу ерда аъёб наъвий қон биохимиявий таҳлиладан ташқари, иммунофермент анализатор орқали текширилади. Паст ва юқори частотали физиотерапевтик ускуналар, озонотерапия, лазеротерапия воситасида ўтказиладиган муолажаларимиз яхши натижа берапти.

Бу ерда гемоанализатор ускунаси орқали эркеклар пушти таҳлил қилинади, аёллар жинсий органидаги касаллик ва хавфли ўсимталарни эрта аниқлаш учун колоскопия, ВТЛ лазеротерапия ускунаси орқали цитологик таҳлил ўтказилади. Сув билан даволаш бўлимида сауна, ёпиқ сув ҳавзаси мавжуд бўлиб, сув остида уқлаш, шифобахш балчиқ билан даволаш муолажалари амалга оширилади.

Биз Қорақалпоғистондан келганмиз, — дейди **опасингил Тамара ва Гулжаҳон Янгимбаевалар**. — Умurtқа чурраси, бош, қўл-оёқ оғриғи азоб беради. Барака топсин, даволочи шифокор Идрис Мардонақуловнинг қўли энгил экан, ҳозир касалдан фориг бўлиб, ўзимизни яхши ҳис қиламиз.

Умида Мағрупова Чирчик шаҳридан. У ҳали нисбатан ёш бўлишига қарамастан, умurtқа чурраси, асабланишдан азият чекиб келган, — дейди **олий тоифали невропатолог Идрис Мардонақулов**. — Муолажалардан кейин аҳоли яхшиланади.

Қандили диабет, қўл-оёқ бўғимларининг қаттиқ оғриғи уйку бермасди, — дейди **сурхондарёлик Саодат Абдуллаева**. — Муолажалардан ташқари, Холида Искандарова раҳбар-

лигида махсус гимнастика билан шугулланиб, дардимга шифо топдим.

Санаторийда ошқозон-ичак касаллиғи, бўйин ва елкалар оғриғи бўйича даволан-дим, — дейди **самарқандлик Турсунной Ортиқбоева**. — Ўзимни ҳаддан ташқари беҳол сезардим, шу ерга келиб, ондан янги туғилгандай бўлдим. Барча шифокорлар ширинсўз, эътиборли. Уларга катта раҳмат.

Даволаш масканида Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фаришлари учун алоҳида хоналар ажратилган бўлиб, ўтган йили бу ерда 500 нафардан зиёд нурионий ўз соғлигини тиклади. Бу йил ҳам ана шундай хайрли ишлар давом эттирилмоқда.

Санаторийда маданий-маърифий ишларга алоҳида эътибор қаратилади. Тўрт мингдан зиёд китоб фондига эга бўлган кутубхонада китоб мутолаа қилишдан ташқари кундалик газеталар билан танишиш мумкин. Даволанувчилар талабига қараб, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан учрашувлар уюштирилади. Спорт билан шугулланидиганлар учун жисмоний тарбия хонаси замонавий тренажерлар билан жиҳозланган, соғломлаштириш майдончалари, бутун бошли спорт комплекси улар ихтиёрида.

Санаторийда даволанувчиларга белгиланган таҳсис асосида пархез таомлар тайёрланади. Бундан ташқари, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган шарбат ва ичимликлар муҳайё. Ўн тўққиз нафар олий тоифали шифокор, юз нафарга яқин ҳамшира ва ишчи-ходимлардан иборат жамоа беморлар, дам олувчилар соғлигини тиклашда тиббиётнинг энг самарали усулларидан фойдаланган ҳолда меҳнат қилмоқда.

Нуруллох ДОСТОН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвалный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZI KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Saidkamol XODJAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV		Tat'yana KISTANOVA
		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859
8858
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 23:40
Topshirilgan vaqti — 01:10
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

